

КОРХОНАЛАРДА ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАРНИ БОШҚА УМУМЛАШГАН ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТДА АКС ЭТТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Боронов Бобур Фарходович – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси доценти в.б., и.ф.д.,
Ахмедов Миржалол Абдусамад ўғли - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти мустақил тадқиқотчиси,
Худайназарова Дилноза Гафуровна - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти мустақил тадқиқотчиси

***Аннотация.** Бугунги кунда халқаро интеграциялашувнинг кенгайиши дунё мамлакатларида Молиявий Ҳисоботнинг Халқаро Стандартларини (МҲХС) тан олиши ва жорий қилишига бўлган ҳаракатларининг жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда. Маълумки, табиий ва иқтисодий ресурслар тўлалигича ҳеч бир давлатда мавжуд эмас. Қайсидир давлатда униси, қайсидадир эса бошқа ресурсларни топиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам давлатлар ҳар доим бир бири билан ҳалқаро савдоларни амалга оширишади. Бизнинг мамлакатимиз табиий ва иқтисодий ресурслар бой мамлакат ҳисобланади. Лекин маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб бера олмаяпти ва биз жаҳон иқтисодиётида фаол қатнаша олмаямиз. Шу сабабли ҳам ҳозирги кунга келиб хориждан инвесторларни жалб қилиши ишлари давом этмоқда. Инвестор инвестиция киритиши учун эса жозибали инвестицион муҳит муҳим аҳамият касб этади. Жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кенг қўлланилаётган, ҳамма инвесторлар учун тушунарли бўлган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиши орқали инвестицион муҳитни шакллантириши ва инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш мумкин бўлади. Халқаро стандартларга мувофиқ “Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” корxonанинг молиявий натижасини кўрсатиб беради ва бу инвесторлар учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобот ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:** Молиявий ҳисобот, халқаро стандарт, соф фойда, фойда ва зарар, бошқа умумлашган даромад, капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот, қайта баҳолаш, валюта курсидаги фарқ.*

ВОПРОСЫ ОТРАЖЕНИЯ ДОХОДОВ И РАСХОДОВ В ОТЧЕТЕ О ПРОЧЕМ СОВОКУПНОМ ДОХОДЕ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ

Боронов Бобур Фарходович - DSc, и.о. доцент Самарқандский институт
экономики и сервиса, кафедра бухгалтерского учета,
Ахмедов Миржалол Абдусамад ўғли - Соискатель Самарқандского
института экономики и сервиса,

Худайназарова Дилноза Гафуровна - Соискатель Самаркандского института экономики и сервиса

***Аннотация.** Сегодня темпы международной интеграции ведут к быстрому развитию ее усилий по признанию и внедрению международных стандартов финансовой отчетности (МСФО) в странах мира. Известно, что системы контроля природных и экономических ресурсов не существует ни в одном государстве. В какой-то степени униси в государстве, в какой-то степени других ресурсов найти невозможно. По этой причине страны всегда осуществляют международную торговлю друг с другом. Наша страна - страна, богатая природными и экономическими ресурсами. Но продукция, производимая нашими отечественными производителями, не способна в полной мере соответствовать мировым стандартам, и мы не в состоянии активно участвовать в мировой экономике. Именно поэтому работа по привлечению инвесторов из-за рубежа продолжается и по сей день. Для того чтобы инвестор мог инвестировать, важна привлекательная инвестиционная среда. Благодаря переходу на международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), которые широко используются в практике развитых стран мира, понятные всем инвесторам, можно будет сформировать инвестиционный климат и предоставить инвесторам необходимую информационную среду. Согласно международным стандартам, в "отчете о консолидированном доходе" указывается финансовый результат предприятия, и это важный отчет для инвесторов.*

***Ключевые слова:** Финансовый отчет, международный стандарт, чистая прибыль, прибыли и убытки, прочий совокупный доход, отчет об изменении капитала, переоценка, курсовая разница*

ISSUES OF REFLECTION OF REVENUES AND COSTS IN THE STATEMENT OF OTHER COMPREHENSIVE INCOME IN ENTERPRISES

Boronov Bobur Farxodovich - DSc, docent Samarkand Institute of Economics and Service, Department of Accounting, phone: +998907423917

Axmedov Mirjalol Abdusamad o'g'li - Researcher of Samarkand institute of economic and service, Department of Accounting, phone: +998883949702, e-mail: mirjalolabdusamadovich@gmail.uz

Xudaynazarova Dilnoza Gafurovna - Researcher of Samarkand institute of economic and service, Department of Accounting, phone: +998937284308, e-mail: mirjalolabdusamadovich@gmail.uz

***Abstract.** Today, the pace of international integration is leading to the rapid development of its efforts to recognize and introduce the international standards of financial reporting (IFRS) in the countries of the world. It is known that the scan of natural and economic resources does not exist in any state. To some extent unisi in the*

state, to some extent other resources can not be found. For this reason, countries always carry out international trade with each other. Our country is a country rich in natural and economic resources. But the products produced by our domestic manufacturers are not able to fully meet the world standards, and we are not able to actively participate in the world economy. That is why the work continues to attract investors from abroad to the present day. In order for an Investor to invest, an attractive investment environment is important. Through the transition to the international standards of financial reporting (IFRS), which is widely used in the practice of developed countries of the world, understandable to all investors, it will be possible to form an investment climate and provide investors with the necessary information environment. According to international standards, the "report on consolidated income" indicates the financial result of the enterprise, and this is an important report for investors. In the report on generalized income, the report, which, by its nature, occupies a special place, is a report on other generalized income.

Key words: *Financial report, international standard, net profit, profit and loss, other comprehensive income, statement of changes in equity, revaluation, exchange rate difference*

КИРИШ. Бугунги кунда, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастурларида белгиланган ҳамда Республика Президентининг 2020 йил 24 февралда қабул қилинган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Қарор¹ларида кўрсатилган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлар асосида юритиш вазифалари муҳимдир. Ушбу қарорга мувофиқ мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари, банклар, суғурта ташкилотлари, йирик солиқ тўловчи ҳисобланган корхоналарга ҳамда ихтиёрийлик асосида бошқа корхоналарга МҲХСлар асосида молиявий ҳисобот тузиш ва уларни халқаро аудитдан ўтказиш амалиётга жорий этилди. Бироқ, ушбу эришилган ютуқлар республикамизда МҲХСларига тўлиқ ўтиш ҳал этилганлигини билдирмайди. Шу билан бир қаторда, таъкидлаш жоизки, стратегик вазифалардан келиб чиқиб, халқаро инвесторлар талабларига уйғун бўлган даромадлар ва фойда ҳисобини такомиллаштириш борасида ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд. Булар қаторига даромадларга оид МҲХСларини тан олиш ва уни кенг жорий этиш, эски усул ва услублардан воз кечиб даромадларга оид замонавий атамаларни қўллаш, даромадларни тан олиш бошқичларини ишлаб чиқиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботда акс эттиришда энг илғор усулларни қўллаш, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни мазмун ва таркибий жиҳатдан қайта ишлаб чиқиш, бошқа умумлашган даромадларни тан олиш ва акс эттириш, ҳисоботнинг шаффофлиги ва таққосланувчанлигига эришиш, ҳисобот тансформацияси масалаларидир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.

ТАДҚИҚОТ МАҚСАДИ: 1-сон МҲХС “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” стандартига мувофиқ ташкилот ўзининг ҳисоб сиёсатида молиявий натижаларга оид бўлган моддаларни қуйидаги танланган ёндашувлардан бирида акс эттиришлари мумкин:

1. Битта “Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” да ёки
2. Иккита ҳисоботда: фойда ва зарарларнинг компонентларини акс эттирувчи “Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот” ва иккинчи фойда ва зарарлар ҳисобидан бошланувчи ҳамда бошқа умумлашган даромадлар компонентларини акс эттирувчи “Бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот”.

Қуйида 1-сон МҲХС ва бошқа халқаро стандартларига асосланган ҳолда “Бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот”нинг назарий асослари, таркибий тузилиши, молиявий ҳисоботни шакллантиришнинг асосий қоидалари ҳамда уларни амалиётга тадбиқ этишга тўхталамиз.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР: Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда ўзининг хусусиятига кўра алоҳида ўрин тутадиган ҳисобот - бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.


У даромад ва харажат ҳисобланади. Лекин, фойда ва зарарларни, жумладан соф фойдани ҳисоблашда инобатга олинмайди. Шунингдек, бошқа умумлашган даромадлар таркибига кирувчи моддалар реализация қилинмаган даромад ҳисобланади. Масалан, асосий воситаларни қайта баҳолашдан олинган даромад бу реализация қилинмаган даромад ҳисобланмайди. Асосий воситаларни қайта баҳолаш уларнинг қийматини оширади, лекин бу ҳали реализация қилишни назарда тутмайди. Корхона ушбу активларни келгусида қачон сотиши ҳақида маълумотларга ҳамда режаларга эга бўлмайди.

МҲХСларига мувофиқ “Бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” молиявий ҳисоботини шакллантириш қуйидагиларга асосланади:

- а) 16-сон БҲХС “Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар” ва 38-сон БҲХС “Номоддий активлар”га асосан қайта баҳолашдан қийматнинг ўсиши ўзгариши;
- б) 19-сон БҲХС “Ходимларни рағбатлантириш”га мувофиқ тан олинган белгиланган тўловлар билан пенсия режалари бўйича актуал фойда ва зарарлар;
- в) 21-сон БҲХС “Валютани алмаштириш курси ўзгаришининг таъсири”га мувофиқ хорижий бўлинма молиявий ҳисоботини ўтказишда юзага келадиган фойда ва зарарлар;
- г) 39-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш”га мувофиқ сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни такроран баҳолаш натижасида юзага келган фойда ва зарарлар;
- д) 39-сон БҲХС “Молиявий инструментлар: тан олиш ва баҳолаш” га мувофиқ пул маблағларини самарали хеджилаштириш натижалари.


ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА ТАҲЛИЛИ. Ҳозирги кунга келиб республикамизнинг кўплаб олимлари МҲХСлари бўйича тадқиқот ишлари олиб

бориб, миллий стандартларни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига уйғунлаштириш бўйича ўз таклиф ва хулосаларини бериб келмоқда. Жумладан, С.Ташназаров² томонидан олиб борилган тадқиқот ишида “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”ни “Умумлашган даромад тўғрисидаги ҳисобот” ёки “Фойда ва зарарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлари тўғрисидаги ҳисобот” деб ўзгартириш таклиф этилади. Буни қуйидаги расм орқали изоҳлаш мумкин:



1-расм. Молиявий ҳисобот шакллари

Бошқа умумлашган даромадлар корxonанинг жами умумлашган даромадининг таркибий қисми ҳисобланади. Уни қуйидагича формула орқали ҳам ифодалаш мумкин:



2-расм. Умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот таркиби

Кўплаб олимлар бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботга ўзларини таърифларини бериб ўтганлар. Жумладан, С.Н. Ташназаров бошқа умумлашган даромадларни бошқа тўплам даромадлар деб атаб, унга қуйидагича

²S.N.Tashnazarov Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish (Improving the theoretical and methodological basis of financial reporting). Monografiya. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1, 87-107- betlar

таърифни келтиради: “Бошқа тўплам даромадлар даромадлар ва харажатлар моддаларини ўз ичига олади, қайсики улар фойда ва зарарлар таркибида тан олинмайди, улар бошқа МҲХСларида талаб этилади ва йўл қўйилади”³.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда олимлар томонидан келтирилган таърифларни умумлаштирган ҳолда бошқа умумлашган даромадларга қуйидагича таъриф бериш мумкин: **Бошқа умумлашган даромадлар** – бу корxonанинг умумлашган даромадининг бир қисми, даромадлар ва харажатлар моддаларини ўзи ичига олиб, фойда ва зарарларда акс эттирилмайдиган реализация қилинмаган даромадлар бўлиб, капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ҳамда уларнинг таркиби ва ҳисобга олиниши алоҳида МҲХСда кўзда тутилади ва йўл қўйилади. Бошқа умумлашган даромадларнинг бир қанча хусусиятлари мавжуд.

Биринчидан, у даромад ва харажат ҳисобланади. Лекин, фойда ва зарарларни, жумладан соф фойдани ҳисоблашда инобатга олинмайди.

Иккинчидан, бошқа умумлашган даромадлар таркибига кирувчи моддалар реализация қилинмаган даромад ҳисобланади. Масалан, юқорида мисол келтирилганидек, асосий воситаларни қайта баҳолашдан олинган даромад бу реализация қилинмаган даромад ҳисобланади.

Учинчидан, фойда ва зарарлар хусусий капитал ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботда “таксимланмаган фойда” моддасида ўз аксни топса, бошқа умумлашган даромадлар ҳам ушбу даромадларни ҳисобга олувчи счетларда натижавий суммасини хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботда умумий суммада ёки ҳисоб сиёсатида кўзда тутилган тартибда бошқа умумлашган даромадларнинг моддалари кесимида акс эттирилади. Шу боис, бошқа умумлашган даромадлар хусусий капитал элементи ҳисобланади. Масалан: “Мулк, бино, машина ва асбоб-ускуналар” ва “Номоддий активлар” қайта баҳолашдан қийматнинг ўсиши хусусий капиталнинг “Қайта баҳолаш бўйича резерв” моддасига олиб борилади.

Тўртинчидан, бошқа даромадлар тўғрисидаги ахборотлар менежерлар ва бошқа қарор қабул қилувчилар учун ўта фойдали ахборотлар ҳисобланади. Шу боис, халқаро стандартлар ахборот фойдаланувчилар учун бошқа умумлашган даромадлар тўғрисида батафсил ва ишончли ахборотларни тақдим этишни талаб этади.

Бешинчидан, бошқа умумлашган даромадлар тушунчаси бизнинг амалиётимизда бугунга қадар қўлланилган эмас. 2021 йил халқаро стандартларга ўтаётган корxonаларда албатта ҳисоботларида акс эттиришлари шарт бўлади. Миллий стандартларимиз асосида юритаётган корxonалар учун ҳам бу кўрсаткичлар муҳимлигини ҳисобга олиб миллий стандартларимизга тегишли ўзгаришларни киритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Бошқа умумлашган даромадларни таснифлашда иккита тоифага ажратилади. Биринчи тоифаси – бу фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга қайта

³ Tashnazarov S.N. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari(International Financial Reporting Standards). Darslik – T. “Iqtisod-Moliya”, 2019.

таснифланиши мумкин бўлмаган моддалар ҳисобланади. Бу тоифадаги БУДлар маълум шарт-шароитлар юзага келганда, жамланган БУДлар фойда ва зарарларга қайта таснифланиши мумкин бўлади. Иккинчи тоифаси – бу фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга қайта таснифланиши мумкин бўлган моддалар киритилади. Ушбу тоифадаги БУД моддалари ҳар қандай шарт-шароитда ҳам фойда ва зарарларга қайта таснифланмайди. Улар хусусий капитал элементи сифатида жамғарилади. Шу нуқтаи назардан, PwC академияси томонидан 2020 йилда тайёрланган материалларда таклиф этилган “фойда ва зарарлар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” форматида БУДнинг таркиби қуйидагича келтирилган (1-жадвал):

1-жадвал

ABC компаниясининг 2020 йил 31 декабрь билан якунланадиган йил учун консолидациялашган фойда ва зарарлар ҳамда бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг формати (фақат БУД қисми)

	2020	2019
Бошқа умумлашган даромадлар: Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга қайта таснифланиши (реклассификацияланиши) мумкин бўлмаган компонентлари		
Асосий воситаларни қайта баҳолаш	X	X
Компаниянинг танлови бўйича бошқа умумлашган даромадлар орқали ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинadиган ҳиссали инвестициялардан фойда (зарар)лар	X	X
Белгиланган тўловлари билан пенсия режалари бўйича актуар фойда (зарар)лар	X	X
Ассациялашган компаниялар мулки қийматининг ошишидаги ҳиссаси	X	X
Ўз кредит рисклари билан боғлиқ молиявий мажбуриятларнинг ҳаққоний қийматининг ўзгариши	X	X
Қайта таснифланиши мумкин бўлмаган компонентларга тааллуқли бўлган фойда солиғи	(X)	(X)
Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга қайта таснифланиши (реклассификацияланиши) мумкин бўлган компонентлари		
Бошқа умумлашган даромадлар орқали ҳаққоний қиймати бўйича ҳисобга олинadиган молиявий активлар (ҳиссали инструментлар) бўйича фойда (зарар)лар	X/(X)	X/(X)
Хорижий шўъба корхоналарни қайта ҳисоблашда юзага келган курс фарқи	X	X
Пул маблағларини самарали хеджилаштириш натижалари	X	X
Қайта таснифланиши мумкин бўлган компонентларга тааллуқли	X	X

бўлган фойда солиғи		
Фойда солиғидан кейин жами бошқа умумлашган даромадлар	X	X

Бошқа умумлашган даромадларни тан олиш, баҳолаш ҳамда ҳисоботларда акс эттиришни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

Биринчи босқич, бошқа умумлашган даромадларни тан олиш, уларни фойда ва зарарларга қайта таснифланиши мумкин бўлган ва қайта таснифланиши мумкин бўлмаган моддаларга таснифлаш;

Иккинчи босқич, бошқа умумлашган даромадларни бухгалтерия счетларда акс эттириш;

Учинчи босқич, жами даромадлар тўғрисидаги ҳисоботнинг бошқа умумлашган даромадлар қисми форматини ишлаб чиқиш ва уни бухгалтерия счетлари маълумотлари асосида тўлдириш;

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР. Шундай қилиб, юқоридаги қискача тавсифлардан қуйидаги хулосаларни қилиш ва таклифларни бериш мумкин:

1. Халқаро стандартлар ва соҳага доир адабиётларни тадқиқ қилиш асосида бошқа умумлашган даромадларга таъриф берилди. Ушбу даромадлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайдиган реализация қилинмаган даромадлар бўлиб, улар бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботда қайд қилиниб, охириги молиявий натижалари хусусий капиталнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. БУДларни ҳисобга олиш тартиби алоҳида МҲХСда кўзда тутилади ва йўл қўйилади.

2. БУДларнинг таркибий қисмлари, уларнинг таърифлари келтирилди, таснифлаш мақсадида иккита тоифага ажратилди. Биринчи тоифаси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга қайта таснифланиши (реклассификацияланиши) мумкин бўлмаган компонентлари. Иккинчи тоифаси Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга қайта таснифланиши (реклассификацияланиши) мумкин бўлган компонентлари. Ушбу компонентларнинг таркибий қисмлари халқаро стандартларга мувофиқ белгилаб чиқилди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Қарор, қонун, кодекс, низом, стандарт

1. “Moliyaviy ҳisobotning xalqaro standartlariga o’tish bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida (On Additional Measures to Transfer to International Financial Reporting Standards)”. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 24 fevraldagi PQ-4611-son qarori.

2. O’zbekiston Respublikasi konuni "Buxgalteriya hisobi to’g’risida" (Yangi tahriri), 13.04.2016 yil, O’RQ-404-son (Law of the Republic of Uzbekistan "On Accounting" (New edition), 13.04.2016, No. ZRU-404);

3. "Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to’ldirish qoidalari". O’zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2002 yil 27 dekabrda 140-son buyrufi bilan tasdiqlangan ("Financial reporting forms and rules for their completion". Approved by the

Order of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan dated December 27, 2002 No. 140).

4. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. O'zR 30.12.2019 y. O'RQ-599-son Qonuni bilan tasdiqlangan (Tax Code of the Republic of Uzbekistan. UzR 30.12.2019 Approved by Law No. ZRU-599).

5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни. 25 февраль 2021 й. <https://lex.uz/docs/5307886>

6. «Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос.» //АВ томонидан 09.09.2016 й. 475-1-сон билан рўйхатга олинган. http://bhms.uz/?page_id=20%22

7. 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» //АВ томонидан 14.08.1998 й. 474-сон билан рўйхатга олинган.

8. 1-сон БҲХС «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» <https://fin-otchet.ru/articles/132/>

9. 28-сон БҲХС «Ассоциациялашган корхоналарга инвестициялар ва кўшмакорхоналар» [https://nrm.uz/contentf?doc=468283_\(ias\)_28_investicii-_v_associirovannye_organizacii_i_sovmestnye_predpriyatiya](https://nrm.uz/contentf?doc=468283_(ias)_28_investicii-_v_associirovannye_organizacii_i_sovmestnye_predpriyatiya)

10. 12-сон МҲХС «Бошқа ташкилотлар фаолиятига қатнашиш» [https://nrm.uz/contentf?doc=469476_\(ifrs\)_12_raskrytie_informacii_ob_uchastii_v_drugih_organizaciyah](https://nrm.uz/contentf?doc=469476_(ifrs)_12_raskrytie_informacii_ob_uchastii_v_drugih_organizaciyah)

12. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. <http://finansist.uz/uz/moliyaviy-hisobotning-xalqaro-standartlari-ozbekistonda-qollanilishi/> 2018 й.

Интернет манбалар

13. O'z davlat veb sayt materiallari (Uzdavstat website materials).

14. <https://finotchet.ru/articles/102/>

Адабиёт, монография, тўпламлар

15. S.N. Tashnazarov Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish (Improving the theoretical and methodological basis of financial reporting). Monografiya. - Publisher SIA OmniScriptum Publishing. GlobeEdit Publishing house. 2018. 280 p. ISBN-13:978-613-8-24050-1, 87-107- betlar

16. Tashnazarov S.N. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari (International Financial Reporting Standards). Darslik – T. "Iqtisod-Moliya", 2019.

17. Urazov K.B. Buxgalteriya moliyaviy hisobi (Accounting financial accounting). O'quv qo'llanma. – Samarqand, SamISI, 2013. - 226 bet.

18. Toshmatov N., Ismanov I., Buzurkhanov S. Moliyaviy hisob va hisobot. Darslik. T.: "Sano-standart" nashriyoti, 2019. 560 bet

19. Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S., Xalilov Sh. Moliyaviy hisob va hisobot. O'quv qo'llanma. – T.: Iqtisod-moliya, 2018. - 400 b.